

Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоғаннинг янги китоби сотувга чиқарилди



17:30 / 08.09.2021 2517

Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоғаннинг «Адолатли дунё мумкин» номли янги китоби Туркияда сотила бошлади. Бу ҳақда 6 сентябр куни «Анадолу» агентлиги хабар берди.

Асар миграция инқирози, халқаро терроризм, икки томонлама стандартлар, шунингдек, исломофобия ва камситиш каби мавзуларни ўз ичига олган глобал сиёсат муаммоларига бағишланган.

Президент Эрдоған БМТ Хавфсизлик Кенгашини тубдан ўзгартиришга, жумладан, «Дунё бешдан ортиқ» тамойили асосида органнинг доимий аъзолари сонини оширишга чақирмоқда.

Китоб рус, инглиз, испан, араб, немис ва француз тилларига таржима қилинган. Ундан тушган маблағлар Туркиянинг Фавқулодда вазиятлар бошқармасига ўтказилиши режалаштирилган.